



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOG'-KON SANOATI VA GEOLOGIYA VAZIRLIGI

BUYRUQ

2023-yil " 12 " 04

27 - son

Toshkent shahri

**Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг коррупцияга қарши
курашиш соҳасига оид чора-тадбирлар ва ички меъёрий
ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ташкил этилганлиги муносабати билан коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид ички меъёрий ҳужжатларини тартибга солиш ва қайта тасдиқлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (кейинги ўринларда Кон-геология вазирлиги) ва тизимда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш ҳамда уни олдини олиш ва чек қўйиш бўйича устувор йўналишлари белгилаш мақсадида, тегишли Ишчи комиссия таркиби, 1-иловага мувофиқ шакллантирилсин.

2. Кон-геология вазирлигининг қуйидаги ички меъёрий ҳужжатлари иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

- Кон-геология вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати, 2-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлигининг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти, 3-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлигида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом, 4-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлигининг алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти, 5-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлиги, ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишни ташкил қилиш бўйича Йўриқнома, 6-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлигида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома, 7-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлигига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома, 8-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлигида Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти, 9-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлигида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом, 10-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлигининг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламенти, 11-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлигининг Одоб-ахлоқ Кодекси, 12-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлигининг Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низом, 13-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлигининг Одоб-ахлоқ комиссияси таркиби, 14-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлигининг совғалар бериш ва олиш, бизнес-тадбирларни ташкил этиш ва иштирок этиш, вакиллик харажатларини амалга ошириш бўйича сиёсати, 15-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлигининг хайрия ва ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш сиёсати, 16-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлигида тузилаётган шартномаларни келишиш, имзолаш ва ижро этиш сиёсати, 17-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлигининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими фаолияти тўғрисидаги Низом, 18-иловага мувофиқ;

- Кон-геология вазирлигининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлигининг лавозим Йўриқномаси, 19-иловага мувофиқ.

3. Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг 2022 йил 3 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички-норматив ҳужжатлар тўпламини тасдиқлаш тўғрисида”ги 18-сон, 2022 йил 22-июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 90-сон, 2022 йил 9-августдаги “Давлат геология кўмитасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ички меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 101-сон ва 2022 йил 19-октябрдаги “Давлат геология кўмитасида одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 140-сон буйруқлари ўз кучини йўқотган деб эътироф этилсин.

3. Коррупцияга қарши ички назорат бўлими (Сағдуллаев) ва Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими (Балхибаев) мазкур буйруқ билан барча ходимларни таништириш, девонхона мудирини (Хусаинов) ушбу буйруқ Кон-геология вазирлигининг тизимости корхоналарига ўз вақтида етказилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқнинг ижро назоратини ўз зиммамда қолдираман..

Вазир



Б. Исламов